

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҒАЛЛАОРОЛ ИLMИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

МУРАТКАСИМОВ АЛИШЕР САТТАРОВИЧ

**ЛАЛМИ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА
УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ
(Ғаллаорол тумани тупроқлари мисолида)**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Муратқасимов Алишер Саттарович

Лалми типик бўз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати ва улардан самарали
фойдаланиш йўллари (Ғаллаорол тумани тупроқлари мисолида)..... 3

Муратқасимов Алишер Саттарович

Современное состояние богарных типичных сероземов и пути их
эффективного использования (на примере почв Галляаральского района). 21

Муратқасимов Алишер Саттарович

Current condition of rainfed typical serozems and ways of their effective use
(on the example of Gallaorol district soils)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҒАЛЛАОРОЛ ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

МУРАТКАСИМОВ АЛИШЕР САТТАРОВИЧ

**ЛАЛМИ ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА
УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ
(Ғаллаорол тумани тупроқлари мисолида)**

06.01.03 – Агротупроқшунослик ва агрофизика

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Qx366 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурвонтоев Раҳмонтой
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Ҳакбердиев Обид Эшнӣёзович
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Б.И.Ниязалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ-х.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган ер майдонлари 1,6 млрд. гектарга тенг бўлиб, шундан 1,3 млрд. гектари лалми ерлар ҳисобланади ва уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60% етиштирилади. Ҳозирда дунё аҳолисининг 47% ўрта унумдор ерларда, 38% аҳоли кам унумдор ерларда ва 15% аҳоли юқори унумдор ерларда ҳаёт кечиради»¹. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда лалми ерлардан самарали фойдаланиш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда турли агротехнологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда лалми тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланишда табиий намликни тўплаш, органик ва минерал ўғитлар ҳамда биопрепаратлар қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш агротехнологиялари бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, лалми тупроқларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига эрозия жараёнларининг таъсири, абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар, биопрепаратлар қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини барқарорлаштирган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга доир илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда лалми тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, органик ва минерал ўғитларни қўллаш бўйича турли агротехнологияларни ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсирини юмшатиш»² бўйича муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам лалми типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, табиий намликдан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

¹ <https://www.fao.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лалми тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, унумдорлиги, эрозияси, биологик фаоллиги, минерал ўғитлар қўллаш бўйича хорижлик ва республика олимларидан С.С.Неуструев, А.Ф.Болшаков М.Н.Рубинштейн, В.И.Коваленко, С.Н.Рыжов, Б.В.Горбунов, Г.А.Лавронов, П.И.Федотов, М.Ю.Юнусов, А.С.Милосердова, Х.М.Махсудов, С.М.Маманиязов, В.И.Коробов, Р.Қ.Қўзиёв, Л.А.Гафурова, М.М.Тошқўзиёв, Р.Қурвонтоев, Х.Ю.Осупов, Н.Ю.Абдурахмонов, А.А.Адилов, Н.И.Шадиева, Д.А.Қодирова, С.С.Рустамов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин қурғоқчилик йилларининг кўп бўлиши натижасида тупроқдаги табиий намликни тўпловчи ва самарали фойдаланишга хизмат қилувчи абсорбентларни, шунингдек кейинги йилларда ишлаб чиқарилган янги биопрепаратлар ва минерал ўғитларни тупроқ намлигига таъсири ва мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-054 «Лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемалари тизимида тупроққа ишлов бериш, ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлайдиган технологияларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғаллаорол тумани лалми типик бўз тупроқларининг ҳозирги ҳолатига эрозиянинг таъсири ҳамда абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар, биопрепаратларни қўллаш орқали тупроқда табиий намликдан самарали фойдаланиш агротехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: лалми типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига эрозия жараёнларининг таъсирини ўрганиш;

лалми типик бўз тупроқларнинг биологик фаоллигини йил мавсумлари бўйича ўзгариш динамикасини ўрганиш;

абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар қўллаш орқали тупроқда табиий намликни тўплаш ва юмшоқ буғдой ҳосилига таъсирини аниқлаш;

турли шаклдаги минерал ўғитларни қўллашнинг тупроқ табиий намлигига ва буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

лалми типик бўз тупроқлар учун абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар мақбул меъёрлари ҳамда биопрепаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш агротехнологиялари бўйича тавсия ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ғаллаорол тумани лалми типик бўз тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети лалми тупроқларнинг физикавий хоссалари, табиий намлик, органик ва минерал ўғитлар, абсорбентлар, биопрепаратлар, буғдойнинг Бахмал-97 нави.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дала тажрибалари ЎзПИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмаси», тупроқ таҳлиллари Е.В.Аринушкинанинг «Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари бўйича қўлланмаси», тупроқдаги ферментлар фаоллиги Ф.Х.Ҳазиевнинг «Методы почвенной энзимологии», олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмалари ва барча агротехнологик тадбирлар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси томонидан ишлаб чиқилган агротавсиялар асосида бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лалми типик бўз тупроқларнинг морфогенетик тузилиши, агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига эрозия жараёнларининг таъсири аниқланган;

лалми типик бўз тупроқларнинг ферментатив фаоллигини ўзига ҳослиги ва йил мавсумлари бўйича ўзгариш динамикаси аниқланган;

лалми типик бўз тупроқлар шароитида юмшоқ буғдой ҳосили ва табиий намлик ошишига абсорбентлар, органик ўғитлар ва биопрепаратларнинг таъсири исботланган;

турли шаклдаги минерал ўғитларнинг тупроқ намлиги динамикасига ва буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

лалми типик бўз тупроқлар учун абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар мақбул меъёрлари ҳамда биопрепаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш агротехнологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лалми типик бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар таъсирида табиий намлик тўплаш агротадбири, турли шаклдаги минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул меъёрлари, минерал ўғитлар ва биологик фаол препаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

ҳудудда тарқалган лалми типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари ва биологик фаоллигининг ҳозирги ҳолати

аниқланиб, бошоқли дон экинларини етиштиришда абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар, шунингдек, биопрепаратларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлиги кимёвий-аналитик (алангали-фотометрик, спектрофотометрик, фотоэлектроколориметрик) ва бошқа тадқиқот усуллари билан уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланган. Тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғаллаорол тумани лалми типик бўз тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари, эрозия жараёни ва ферментатив фаоллиги, абсорбентлар, органик ва минерал ўғитларнинг тупроқ намлигига ҳамда буғдой ҳосили ва структурасига таъсири аниқланганлиги ва лалми тупроқлардан самарали фойдаланиш агротехнологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, абсорбентлар, органик ва минерал ўғитлар ҳамда биопрепаратларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар лалми типик бўз тупроқлардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва хоссаларини яхшилаш, кузги буғдой ўсимлигидан сифатли ва мўл ҳосил олиш, тупроқда табиий намлик миқдорини мақбуллаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғаллаорол тумани лалми типик бўз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лалми типик бўз тупроқларда абсорбентлар ва органик ўғитлар таъсирида табиий намликни тўплаш агротадбири Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг лалмикор марказий тажриба хўжалигида 16 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/021-186-сон маълумотномаси). Натижада тоза шудгордан бошлаб то кузги ғалла экишгача бўлган даврда тупроқнинг 0-160 см қатламда анъанавий усулга нисбатан 94,4-145,0 м³/га қўшимча табиий намлик тўпланишига имкон берган;

лалмикор майдонларда кузги буғдойни озиклантиришда турли шаклдаги минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул меъёрлари Ғаллаорол туманидаги «Жонзоқов Хонимқул» фермер хўжалигининг 66 гектар, «Соли ота Абдусатторов» фермер хўжалигида 64 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/021-186-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фермер хўжаликларида тупроқнинг

унумдорлиги сақланган ҳолда, гектаридан 12,4 центнер ёки анъанавий ўғит қўлланганга нисбатан 3,8 центнер кўшимча дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдойни озиклантиришда минерал ўғитлар ва биологик фаол препаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш технологияси «Зарафшон мақсади» фермер хўжалигининг 44 гектар, «Саитмурод Санакул» фермер хўжалигининг 42 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 02/021-186-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойни етиштиришда гектарига 604 минг сўм ҳаражат қилинган ва ҳар бир гектардан 734 минг сўм ялпи даромад олинган, соф даромад 130 минг сўм, рентабеллик даражаси 20-21 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида жами 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, 5 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лалми типик бўз тупроқларнинг ўрганилганлик ҳолати (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижда ва мамлакатимизда лалми тупроқларнинг ўрганилганлик ҳолати, хоссалари, биологик фаоллиги, абсорбентлар, органик ва минерал ўғитларнинг тупроққа ва ўсимликка таъсирига оид тадқиқот натижалари таҳлили келтирилган. Лалми типик бўз тупроқларда ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, тупроқнинг хосса ва хусусиятларини чуқур ўрганиш, унинг унумдорлигини ошириш, сифатини, иқтисодий баҳосини, муҳофазасини билиш, тупроқга тўғри ишлов бериш,

иктисодий самарали агротехнологиялар бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва тажриба услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, иклими, геоморфология ва гидрогеологияси, ўсимлик дунёси, инсон фаолияти таъсири, тадқиқот объекти, тажриба схемаси ва услублари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ғаллаорол тумани шимолдан Нурота, шимолий-шарқ томондан Қўйтош, жануб томондан Туркистон, жанубий-шарқий томондан Молгузар ва ғарб томондан Ғубдинтоғ тизмалари билан чегараланган.

Ғаллаорол об-ҳавони кузатиш агрометеостанциясидан олинган маълумотларга кўра, йиллик ёғин-сочин миқдори ҳозирги йилларда ўртача 362,0 мм ни, ўртача ойлик ҳарорат + 13,4 °С ни, ҳавонинг ўртача нисбий намлиги эса 62,7% ни ташкил этмоқда. Иссиқ кунлар йил давомида 170-250 кун давом этади. Энг паст ҳаво ҳарорати январда - 37 °С гача пасаяди. Ҳавонинг ўртача нисбий намлиги июл ойида 23-30% бўлади. Совуқсиз кунлар сони ўртача 170 кунни ташкил қилади. Охири баҳорги совуқ апрелнинг биринчи ўн кунлигига тўғри келган бўлса, биринчи кузги совуқнинг бошланиши сентябр ойининг учинчи ўн кунлиги ва октябр ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Қир-адирлик минтақаси ўсимликларини асосан эфемер ва эфемероидлар, кўп йиллик ҳар хил ўтлар, буталар ташкил этади.

Тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий хоссаларига кўра, ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,650-0,885% гача, умумий азот, фосфор ва калий мутаносиб равишда 0,085-0,110; 0,105-0,128; 1,280-1,480% ни, ҳаракатчан фосфор 15,8-18,5 мг/кг, алмашинувчи калий 218-248 мг/кг ни ташкил қилиб, тажриба даласининг тупроғи ҳаракатчан фосфор билан кам таъминланган, алмашинувчи калий билан ўрта таъминланган. Ҳайдалма қатлам тупроқ зичлиги 1,34 г/см³ ни, солиштирама оғирлиги 2,64 г/см³ ни, ғоваклиги мутоносиб равишда 50,7% ни ташкил этди.

Лалмикор типик бўз тупроқлар шароитида намликни тўпловчи абсорбентлар, турли шаклдаги минерал ўғитлар, биопрепаратлар ҳамда органик ўғитларнинг тупроқ намлиги динамикасига, буғдой ҳосилига ошириш бўйича дала тажриба тадқиқот ишлари Ғаллаорол тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг Марказий тажриба хўжалигида олиб борилди.

Дала-тажриба тадқиқотлари қуйидаги вариантларда олиб борилди (1-жадвал). Тадқиқотлар учун 16 гектарли майдондан 0,83 гектар майдон ажратилди. 1 бўлакча ўлчами (25м x 3м) = 75 м² ни ташкил этди.

Тажрибада «Бахмал-97» юмшоқ буғдой нави 120 кг/га (3-3,5 млн/дона тўлиқ унувчан уруғ) ҳисобида октябр ойи охири, ноябрнинг бошида экилди. Юмшоқ буғдойни экишдан олдин ва асосий ривожланиш даврида (туплаш, найчалаш, бошоқлаш ва тўлиқ пишиш) тупроқ намуналари турли (0-20, 20-

40, 40-60, 60-80 ва 80-100 см) қатламлардан олиниб, тупроқ табиий намлиги аниқланди.

1-жадвал

Бугдойни ўғитлаш тизими 1-тажриба

Т/р	Вариантлар	Абсорбентлар, ўғитлар ва биопрепаратларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари				
		Тоза шудгорда			Туплаш фазаси	Бошоқлаш фазаси
		Аммофос, кг/га	Калий тузи, кг/га	Абсорбент, кг/га ва гўнг, т/га	Карбамид, кг/га	Биопрепарат, л/га
1	Назорат	-	-	-	-	-
2	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀ (фон)	40	40	-	40	-
3	Фон + гидрогель 20 кг/га	40	40	20	40	-
4	Фон + Aquasorb 20 кг/га	40	40	20	40	-
5	Фон + Биоазот 1 л/га	40	40	-	40	1,0
6	N ₄₀ +Биоазот 1,5 л/га	-	-	-	40	1,5
7	Фон + Микроўстиргич 1,5 л/га	40	40	-	40	1,5
8	N ₄₀ +Микроўстиргич 2 л/га	-	-	-	40	2,0
9	Фон+ 10 т/га гўнг	40	40	10	40	-

2-жадвал

Бугдойни ўғитлаш тизими 2-тажриба

Т/р	Тажриба вариантлари	Турли шаклдаги минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари, кг/га						
		Шудгордан олдин				Туплаш фазаси		
		Аммофос	Суперфос	PS-агро	Калий	Аммиакли селитра	Карбамид	Аммоний сульфат
1	Назорат	-	-	-	-	-	-	-
2	P ₄₀ K ₄₀	40	-	-	40	-	-	-
3	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀ -фон	40	-	-	40	40	-	-
4	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	40	-	-	40	-	40	-
5	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	40	-	-	40	-	-	40
6	P ₄₀ K ₄₀	-	40	-	40	-	-	-
7	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	40	-	40	40	-	-
8	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	40	-	40	-	40	-
9	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	40	-	40	-	-	40
10	P ₄₀ K ₄₀	-	-	40	40	-	-	-
11	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	-	40	40	40	-	-
12	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	-	40	40	-	40	-
13	N ₄₀ P ₄₀ K ₄₀	-	-	40	40	-	-	-


Олинган тупроқ кесмалари ва дала тажрибаларидан олинган тупроқ намуналари қуйидаги услублар бўйича лабораторияда кимёвий таҳлил қилинди: тупроқнинг механик таркиби – Н.А.Качинский бўйича пипетка усулида; тупроқни ҳажм оғирлиги Н.А.Качинский усулида (цилиндр ёрдамида V-100 см³), тупроқни солиштирма оғирлиги пикнометр усулида ҳамда тупроқ ғоваклиги ҳисоблаш йўли билан амалга оширилди. Кимёвий ва

агрохимёвий таҳлиллар Е.В.Аринушкина ҳамда ЎзПТИ қўлланмаларида баён этилган усулларда амалга оширилди. Сингдирилган асослар Пфеффер усулида Т.П.Крюгер (1977) бўйича, тупроқнинг табиий намлиги термик усулда аниқланди. Дала тажриба тадқиқотларини қўйилиши, ҳисоблаш, кузатув ишлари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007), олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулида амалга оширилди.

Диссертациянинг «Лалми типик бўз тупроқларининг хосса-хусусиятлари ва ферментатив фаоллигининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида лалми типик бўз тупроқларнинг морфологик белгилари, агрофизикавий ва агрохимёвий ҳамда ферментатив хоссаларининг ҳозирги ҳолати баён этилган.

Марказий тажриба хўжалигининг алмашлаб экиш даласида лалми типик бўз тупроқларнинг баъзи агрофизик хусусиятлари эрозия ва агротехнологик тадбирлар таъсирида ўзгарганлиги кузатилди.

Ҳажм оғирлиги тупроқнинг юқори қатламидан қуйи қатлами томон ошиб бориши кузатилди. Эрозияга учрамаган типик бўз тупроқларда зичлик 1,28-1,42 г/см³, ўртача эрозияланган шимолий экспозиция тупроқларида 1,32-1,40 г/см³, ўртача эрозияланган жанубий экспозиция тупроқларида эса 1,33-1,44 г/см³ ни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, лалми типик бўз тупроқларнинг ҳажм оғирлиги жойлашиш экспозицияси ва нишаблик даражасига қараб ўзгариб туради. Тупроқнинг зичлиги ортиши натижасида ҳаво ва сув ўтказувчанлиги ёмонлашади, бу эса ўз навбатида ўсимликларнинг сув ва ҳаво билан таъминланишига тўсқинлик қилади.




1-расм. Лалми типик бўз тупроқларнинг зичлиги, г/см³

2015-2017 йилларда Марказий тажриба хўжалиги (МТХ)нинг алмашлаб экиш даласида типик бўз тупроқнинг баъзи агрофизик хусусиятлари агротехнологик тадбирлар таъсирида ўзгариши 1-йил буғдой экилган тупроқнинг зичлиги ҳайдов қатламида (0-20 см) 1,22 г/см³ ни, тупроқ зичлашган ҳайдов остки қатламларида эса 1,26-1,36 г/см³ ни, тоза шудгордан сўнг 2-йил буғдой экилган майдонда (0-22 см) 1,27 г/см³ ни, ҳайдов ости қатламларида эса 1,29-1,37 г/см³ ни ташкил этган (1-расм).

Ўзлаштирилмаган кўриқ тупроқларида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,29 г/см³ ни, пастки қатламларда 1,34-1,39 г/см³ ни солиштирма оғирлиги мос равишда 2,62-2,70 г/см³, умумий ғоваклиги эса 48,5-52,7% ни ташкил этди.

Механик таркибига кўра тоза шудгордан сўнг 1 ва 2-йил буғдой экилган майдоннинг ҳайдалма қатламида физик лой миқдори 33,4-34,7% бўлиб, тасниф бўйича ўрта қумоқли. Кўриқ ерларнинг чимли қатламида физик лой миқдори 43,2% ни, чим ости қатламида эса 42,7% ни ташкил этиб, тасниф бўйича ўрта қумоқли. Ил заррачалари (<0,001) миқдори тоза шудгордан сўнг 1 ва 2-йил юмшоқ буғдой экилган тупроқларда ҳайдалма қатламида 7,0-13,7 эканлиги аниқланган.

Лёсс ва лёссимон ётқизиқларда шаклланган типик бўз тупроқларнинг механик таркибида физик лой миқдори эрозия таъсирида камайган бўлиб, эрозияланмаган тупроқнинг ҳайдалма қатламида физик лой миқдори 35,4%, ўртача эрозияланган тупроқларда 32,4%, ювилиб тўпланган тупроқларда 38,5% ни ташкил этган. Механик таркибининг енгиллашиши билан ил ва майда чанг фракцияларининг камайиши, йирик фракциялар билан бойиши кузатилди (2-расм).




2-расм. Лалми типик бўз тупроқлар профили бўйича физик лой миқдори ўзгариши

Ёғин-сочин билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасидаги типик бўз тупроқлар тарқалган кўриқ ерларнинг кимёвий кўрсаткичларига кўра, чимли ва чим ости қатламида гумус ва азот миқдори 1,438-1,612% ва 0,101-0,120% ни ташкил этган ҳолда қуйи қатламлар томон сезиларли камайиб бориб, она жинсда кескин камайган.

МТХнинг беш далали ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида ўртача ювилган ва тоза шудгордан сўнг 1-йил буғдой экилган тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус ва азот миқдори 0,885-0,704% ва 0,105-0,110% бўлиб, эрозияланмаган тупроқларга нисбатан камлиги аниқланган. Гумус ва азот миқдори пастки қатламлар томон секинлик билан камайиши кузатилган. Ҳайдалма қатламда умумий фосфор 0,128-0,255% ва калий миқдори 0,964-1,420% бўлиб, эрозияланмаган ювилиб тўпланган тупроқларга нисбатан барча қатламларда камлиги аниқланди.

Ғаллаорол туманидаги “Кўкбулоқ” фермерлар уюшмасининг эрозияланмаган сув айирғич қисмидан олинган кесма натижаларига кўра,

гумус миқдори ҳайдов қатламида (0-18 см) 1,280% ни, пастки қатламларида 0,802-0,925% ташкил этди. Агар бу кўрсаткични кўриқ ерларнинг чимли қатламларидаги гумус миқдори билан таққослайдиган бўлсак, унинг миқдорининг 0,332% га камайганлигини кузатамиз (3-расм). Эрозияланмаган тупроқлардаги ялпи азот миқдори гумус миқдorigа қараб ўзгариши кузатилади. Бу тупроқ кесмасидаги азот миқдори ҳайдаладиган қатламида 0,138% ни ташкил этган бўлса, ҳайдов ости қатламларида унинг миқдори бироз камайиб, 0,108-0,115% эканлиги аниқланди. Кўриқ ердан олинган тупроқ кесмасида гумуснинг миқдори пастки қатламлар томон кескин камайиши, буғдой экилган майдондан олинган кесмада секинлик билан камайиши кузатилди. Кўриқ ерларнинг чимли қатламларидаги умумий фосфор миқдори 0,260% ни ташкил этган бўлса, кузги буғдой экиб келинган тупроқларнинг ҳайдов қатламида унинг миқдори бироз камлиги 0,105- 0,128 % аниқланди. Умумий калий миқдорининг барча тупроқ кесмаларида кўплиги кузатилди. Кўриқ ер ва кузги буғдой экиб келинган ерлардаги калийнинг умумий миқдори 0,692-1,044% ни ташкил этди ва бироз устунлик кўриқ ерларда эканлиги кузатилган.



3-расм. Ювилиш даражасига кўра лалми типик бўз тупроқларда гумус миқдорининг ўзгариши

Турли тупроқ кесмаларидан олинган намуналардаги ҳаракатчан шаклдаги озика моддаларнинг (нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий) миқдори ердан фойдаланиш характериға қараб ўзгариши кузатилган. Кўриқ ердан олинган тупроқ намуналаридаги нитрат миқдори пастки қатламларға томон камайиб бориши кузатилган бўлса (6,0-3,2 мг/кг), ҳайдалган майдондан олинган кесмада унинг миқдори 4,2-3,0 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган, буни нитратларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши ва ёгин-сочин таъсирида ювилиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Эрозияланмаган сув айирғич қисмидан олинган кесмада нитрат миқдори 10,8-5,0 мг/кг юқорилиги кузатилган.

Ҳаракатчан шаклдаги фосфорнинг нисбатан энг кўп миқдори эрозияланмаган сув айирғич, ювилиб тўпланган ва кўриқ ерлардан олинган кесмаларнинг юқори қатламларида (54,0-58,0 мг/кг), энг паст кўрсаткичлар

эса ўртача ювилган жанубий қиялик ва тоза шудгордан сўнг 1 ва 2 йил буғдой экилган майдонда аниқланган (15,8-18,5 мг/кг).

Сингдирилган кальцийнинг миқдори тупроқнинг юқори қатламларида сингдирилган катионларнинг умумий йиғиндисининг 55-70%, сингдирилган магнийнинг миқдори эса 21% ни ташкил этган.

Тупроқнинг ҳайдалма қатламида Ca^{2+} миқдори 6,2 мг/экв ни, қўриқ ернинг чимли қатламида 8,1 мг/экв ни ва пастки қатламларга ўтган сари камайиб бориши кузатилган. Mg^{+2} катиони ҳайдалма қатламда 2,4 мг/экв ни, чимли қатламда эса 5,0 мг/экв ни ташкил этиши аниқланди. K^{+} ва Na^{+} катионлари тупроқнинг барча қатламларида 0,192-0,543 мг/экв ни ташкил этган.

Ёғингарчилик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида тарқалган типик бўз тупроқларда каталаза фаоллиги баҳор фаслида 0-15 см қатламида 26,0 см³ O_2 /мин. ни, 15-30 см қатламида 25,3 см³ O_2 /мин. ни, 30-50 см қатламда эса 17,7 см³ O_2 /мин. ни ташкил этди. Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида 23,0 см³ O_2 /мин. ни, 15-30 см қатламида 18,3 см³ O_2 /мин. ни 30-50 см қатламда эса 16,3 см³ O_2 /мин. ни ташкил этди. Куз фаслига келиб, каталаза ферменти тегишлича 25,7-24,3 см³ O_2 /мин. оралиқда эканлиги аниқланди.


Типик бўз тупроқларда полифенолоксидаза ферменти фаоллиги баҳор фаслида тупроқнинг ғоваклиги юқори ҳамда органик моддалар кўп 0-15 см қатламида 0,124 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,083 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 30-50 см қатламда эса 0,064 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида 0,072 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,055 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 30-50 см қатламда эса 0,019 мг пурпургаллин/100 г тупроқ ни ташкил этди. Куз фаслига келиб полифенолоксидаза ферменти тегишлича 0,098-0,023 мг пурпургаллин/100 г тупроқ оралиқда эканлиги аниқланди. Пероксидаза ферменти фаоллиги тупроқнинг 0-15 см қатламида 0,084 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,065 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 30-50 см қатламда эса 0,048 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Намлик миқдори камайган ёз фаслида 0-15 см қатламида 0,054 мг пурпургаллин/100 г тупроқни, 15-30 см қатламида 0,046 мг пурпургаллин/100 г тупроқни 30-50 см қатламда эса 0,031 мг пурпургаллин/100 г тупроқни ташкил этди. Куз фаслига келиб пероксидаза ферменти фаоллиги тегишлича 0,071-0,057-0,021 мг пурпургаллин/100 г тупроқ эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Лалми типик бўз тупроқларнинг табиий намлик динамикасига турли минерал ва органик ўғитлар, абсорбентлар ва биопрепаратларнинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида турли шаклдаги минерал ва органик ўғитлар, абсорбентларнинг тупроқ намлиги тартиботига ва «Бахмал-97» буғдой нави ҳосилдорлигига ҳамда лалмикор майдонларда юмшоқ буғдойни барг орқали озиклантириш, касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кимёвий препаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш самарадорлиги бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Тоза шудгор ва абсорбентларнинг тупроқ намлигига таъсири ўрганилганда тажрибанинг назорат вариантыда намлик миқдори ҳайдов қатламида 4,1-11,3% (133,1-309,9 м³/га), тупроқнинг қуйи қатламларидаги (120-160 см) 5,7-13,6% (310,1-775,4 м³/га) ташкил этса, бу кўрсаткичлар тоза шудгор остига 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар ҳамда 20 кг “Гидрогел” ва 20 кг “aqvasorb” полимер абсорбенти берилган вариантларда тупроқнинг ҳайдов қатламида 13,6-13,8% ни (331,8-336,7 м³/га), 120-160 см қатламда 13,9 ва 14,2% (755,4-761,9 м³/га), 0-160 см қатламдаги жами намлик миқдори 14,2-14,5% (3058,5-3099,7 м³/га) ташкил этди (4-расм).

Буғдой уруғини экиш даврига келиб “Гидрогел” абсорбенти берилган вариантлардаги тупроқнинг 0-160 см қатламдаги намлик захираси тажрибанинг назорат вариантыга нисбатан (94,4-145,0 м³/га) кўплиги қайд этилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, шудгорлаш олдидан 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар ва 10 т/га гўнг берилган вариантда тупроқнинг 0-160 см қатламидаги намлик захираси бошқа вариантларга нисбатан кўплиги аниқланди. Бу вариантдаги тупроқнинг қуйи қатламларидаги (120-160 см) намлик миқдори мавсум давомида 8,5-15,2% ни (455,6-833,0 м³/га), 0-160 см қатламда эса 8,2-15,0% ни (1620,1-3177,3 м³/га) ташкил этди.




4-расм. Минерал ва органик ўғитлар ҳамда абсорбентларнинг тоза шудгордаги тупроқ намлиги динамикасига таъсири (0-20 см)

Олиб борилган ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, тоза шудгордан бошлаб то кузги ғалла экишгача бўлган даврда тупроқдан физик буғланган намлик миқдори вариантлар бўйича 5,6-7,8 фоизни ташкил этди. Физик буғланиш ҳисобига тоза шудгордан йўқотилган намлик миқдори унинг бошланғич миқдорига нисбатан 48,1- 56,8% ни ташкил этди.

«Бахмал-97» буғдой нави вегетацияси даврида тупроқдаги намлик динамикаси экилган буғдойнинг бошоқлаш босқичига келиб (май) тоза шудгор остига берилган 20 кг/га Гидрогел абсорбенти тупроқнинг ҳайдов қатламида ҳамда 0-100 см қатламда намликнинг назоратга нисбатан 1,2% га ошишини таъминлади. Шу йилда тоза шудгор остига берилган P₄₀K₄₀ фониди

Aquasorb абсорбенти тупроқнинг ҳайдов қатламида ҳамда 0-100 см қатламида намликнинг назоратга нисбатан найчалаш босқичида 0,5-1,2 %, бошоқлаш босқичида эса 0,3-2,3% кўплиги қайд этилди. Қолган вариантларда тоза шудгор остига берилган маъданли ўғитлар ўсиш стимуляторлари тупроқдаги намлик миқдори назорат вариантыга нисбатан 0-100 см қатламда 200-540 м³/га кўплиги аниқланди.

«Бахмал-97» буғдой уруғини экиш олдида тупроқнинг 0-20 см қатламидаги намлиги вариантлар бўйича 8,9-11,4 % ни (208,8-270,3 м³/га) ташкил этди. Найчалаш босқичига келиб энг юқори кўрсаткич 4-вариантда (0-100 см) шудгор остига берилган Фон + Aquasorb 20 кг/га қўлланилганда 2535,0 м³/га намлик аниқланди. Шу йили бошоқли дон экинлари вегетациясининг энг маъсул босқичи ҳисобланадиган бошоқлаш пайтида тажрибанинг назорат 0-20 см қатламида 8,0% (200 м³/га), 0-100 см қатламида ўртача 8,7% (1153,8 м³/га) намлик тўпланган бўлса, тажрибанинг 9-вариантда бу кўрсаткич тегишли равишда 10,3% (257,5 м³/га) ва 9,8% ни (1324,6 м³/га) ташкил этди.



5-расм. Тоза шудгор остига берилган ўғитлар, абсорбентларнинг «Бахмал-97» буғдой навининг ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

Ўртача ҳосилдорлик назорат вариантда 11,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, P₄₀K₄₀ N₄₀ ҳисобида озиклантирилган фон вариантыда 17,2 ц/га ни ташкил этди. Энг юқори ҳосил 10 т/га гўнг 40 кг/га фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилганда 20,5 ц/га ҳосилдорлик олинган бўлиб, назоратга нисбатан олинган қўшимча дон ҳосилдорлиги 8,7 ц/га ни ёки 174% ни ташкил этди (5-расм).

Минерал ўғитларнинг турига қараб лалми типик бўз тупроқларнинг намлик динамикаси ва “Бахмал-97” нави ҳосилдорлигининг ўзгариши деб номланган иккинчи тажрибада экиш олдида турли вариантларда тупроқнинг ҳайдов қатламида (0-20 см) намлик миқдори 8,8-9,8% ёки гектарига 225,3-258,7 м³/га ни ташкил этди. Тупроқнинг қуйи қатламларидаги намлик миқдори тажрибанинг назорат вариантыда 12,9-16,4% ни (888,9-1023,8 м³/га), 1 м қатламда эса ўртача 14,3% (1912,7 м³/га) ташкил этди.

2017 йилда тажрибани қўйиш олдида тупроқнинг 0-100 см қатламида вариантлар бўйича 11,5 % (1499,1 м³/га) буғдойнинг найчалаш босқичида

14,5-17,3 % (1960,4-2317,9 м³/га) намлик борлиги қайд этилди. Тажрибанинг назорат вариантыда эса бу кўрсаткич 11,5 % (1499,1 м³/га) ни ташкил этди. Буғдойнинг бошоқлаш вақтидан бошлаб барча вариантларда намликнинг пасайиши кузатилди.

Турли шаклдаги минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда «Бахмал-97» буғдой навидан гектарига 10,8-15,9 центнер ҳосил олинган бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик N₄₀P₄₀K₄₀- (PS-агро)+N_{аа40} ўғит миқдорлари қўлланилганда қўшимча дон ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 6,7 ц/га (172,8%) ни ташкил этди.

Лалмикор майдонларда юмшоқ буғдойни барг орқали озиклантириш, касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кимёвий препаратларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг тупроқ намлиги динамикасига таъсири деб номланган учинчи тажрибада 2015 йилнинг кузида тажрибани қўйиш олдидан тупроқнинг ҳайдов қатламида 9,8-14,3%, 0-100 см қатламида эса 13,9-15,6% ёки 1793,5-2068,0 м³/га намлик бўлганлиги қайд этилди.

2016 йилда буғдойнинг найчалаш босқичига келиб тажрибанинг ўғитсиз вариантыда 0-20 см қатламида 8,6% (221,0 м³/га), 0-100 см қатламида 11,9% (1565,0 м³/га) намлик мавжуд бўлган бўлса, илдиз орқали фақат 40 кг/га ҳисобида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар берилган фон вариантда тегишлича 13,0% (332 м³/га) ва 12,8% (1746 м³/га) миқдорда намлик борлиги қайд этилди. Баҳор ойлари серёғин келган шу йилда буғдойнинг найчалаш босқичида 0-100 см қатламда ўртача 10,0% (1389 м³/га), бошоқлаш пайтида эса 13,3% (1788,4 м³/га) намлик мавжудлиги кузатилди. Бу даврда буғдойнинг тўлиқ пишишда ҳам ўртача 8,7% (1186, м³/га), барг орқали озиклантириш билан бирга кимёвий препаратлар пуркалган вариантда эса ўртача 9,0-9,5% (1227-1302 м³/га) намлик қолганини кузатиш мумкин.

2017 йилда тажриба вариантлари бўйича экиш олдидан ҳайдов қатламида 9,2% (230 м³/га), 0-100 см қатламда 15,5% (1499 м³/га) намлик мавжудлиги экилган уруғнинг тўлиқ униб чиқишига етарли бўлди. Буғдойнинг найчалаш-бошоқлаш босқичлари ҳам тупроқнинг 0-20 см қатламида 14,5% (365,4 м³/га), 0-100 см қатламида 16,5% (2211 м³/га) намлик борлиги ҳосилдорликнинг ошишида муҳим аҳамият касб этди.

«Бахмал-97» юмшоқ буғдой навидан олинган ўртача дон ҳосилдорлиги назорат вариантда 9,0 ц/га ни, илдиз орқали 40 кг/га ҳисобида азотли, фосфорли калийли ўғитлар берилганда қўшимча ҳосилдорлик 3,3 ц/га ни (137%) ташкил этди. Энг юқори ўртача ҳосилдорлик (15,6 ц/га) шудгордан сўнг берилган маъданли ўғитлар фониди 5% ли карбамидни 20 г/га ҳисобида гербицид ва Гумимакс биопрепаратини (4 л/га ҳисобида) аралаштирилган суспензияни найчалаш босқичида пуркалган вариантда олинди. Бу вариантда олинган қўшимча дон ҳосили назоратга нисбатан 6,6 ц/га ни (173%) фон вариантыга, яъни шудгор остига берилган маъданли (N₄₀P₄₀K₄₀) вариантга нисбатан 3,3 ц/га (127%) кўплиги аниқланган.

Абсорбентлар, органик ва минерал ўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги ўртача ҳосилдорлик назорат вариантыда 11,8 ц/га, Фон + гидрогел 20 кг/га қўлланилган вариантда 18,6 центнерга тенг бўлиб, соф

фойда 448860 сўм/га, Фон + гўнг 10 т/га қўлланилганда эса, соф фойда 520686 сўм/га бўлганлиги аниқланган.

Турли минерал ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги $N_{(aa)40}P_{40}K_{40}$ -(PS агро) қўлланилган назорат вариантга нисбатан қўшимча ҳосилдорлик 6,7 ц/га, соф фойда 331991 сўм/га ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Юмшоқ буғдойни илдиз ва барг орқали озиклантиришнинг иқтисодий самарадорлиги $N_{40}P_{40}K_{40}$ фон вариантда ўртача ҳосилдорлик 13,3 ц/га, соф фойда 234768 сўм/га, рентабеллик даражаси 31,9% ни, фон + 5% N_m + гербицид + Гумимакс қўлланилганда ҳосилдорлик 17 ц/га, соф фойда 353205 сўм/га, рентабеллик даражаси 39,7% бўлишига эришилган.

Лалмикор майдонларнинг ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида тупроқларнинг эрозияланиш даражасига қараб ундаги гумус ва озиқа элементлари миқдори камайиб боради. Кузги буғдойни озиклантириш самарадорлиги асосан ёғингарчилик миқдори ва вегетация даврида тақсимланишига, ўғитлар турига, меъёрига, муддатига ҳамда қўллаш усулига қараб сезиларли даражада ўзгаради.

ХУЛОСАЛАР

1. Лалми типик бўз тупроқларни морфологиясини ўрганиш натижасида ҳайдалма қатламининг аниқ кўриниши, рангининг тўқлиги ва ўсимлик илдизларининг кўплиги, ҳайдалма ости қатламларнинг карбонатлашганлиги, бунда ўрта қатламларнинг юқори ва пастки қатламларга нисбатан юқори карбонатлашганлиги, ҳайдалма қатламдан ташқари бошқа қатламлар намлиги, ранги ва қаттиқлиги билан бир-биридан кам фарқланиши кузатилади.

2. Эрозия жараёни ва тупроқлардан фойдаланиш усулларига қараб лалми типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига ҳам салбий таъсир этган. Эрозияланиш даражаси ортгани сайин тупроқларда гумус ва озиқа элементлари миқдори камайган. Эрозияланмаган тупроқлардан ўртача эрозияланган тупроқлар томон гумус миқдори 1,28% дан 1,13% гача камайиб боради. Биринчи йил кузги буғдой экилган майдонда 0,88% дан иккинчи йил буғдой экилган майдонда 0,65% гача камайиши кузатилди.

3. Лалмикор ерларнинг ярим таъминланган қир-адирлик минтақасининг рельефи паст-баландликлардан иборат бўлиб, тупроқ ҳосил бўлиши жараёни лёссимон ётқизиклардан кам ҳолларда майда шағалли пролювиал ётқизиклардан иборат. Бу минтақа тупроқларининг механик таркиби асосан ўрта қумоқли бўлиб физик лой миқдори 31,1-43,2% ни баъзи ҳолларда пастки қатламлари 28,1-28,7% бўлиб, енгил қумоқли эканлиги кузатилади.

4. Тупроқларнинг умумий физик хоссалари эрозия жараёнлари таъсирида ўзгарганлиги кузатилган бўлиб, бу эса тупроқ унумдорлигига ва агрономик хусусиятларига таъсир этади. Қиялик экспозицияси ва нишаблигига мос равишда солиштира оғирлик профил бўйлаб 2,56-2,70 г/см³, ҳажм оғирлиги 1,18-1,44 г/см³ оралиғида ўзгариб туради. Солиштира ва ҳажм оғирлигига

мос равишда ғоваклик 45,9% дан 54,4% гача ўзгариши кузатилади. Тоза шудгордан сўнг 1-йил буғдой экилган тупроқнинг зичлиги унинг ҳайдов қатламида (0-20 см) 1,22 г/см³, ғоваклиги 52,3% ни, тупроқ зичлашган ҳайдов остки қатламларида эса 1,26-1,36 г/см³, ғоваклиги 47,7-51,0% ни ташкил этиб, тоза шудгордан сўнг 2-йил буғдой экилган тупроқларнинг зичлиги унинг ҳайдов қатламида (0-22 см) 1,27 г/см³, ғоваклиги 51,2% ни, ҳайдов ости қатламларида эса мос равишда 1,29-1,37 г/см³ ва 48,3-50,8% ни ташкил этган.

5. Лалмикор ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида тоза шудгорни кўтариш олдида 10 т/га гўнг ва 40 кг/га фосфорли ўғитлар, 20 кг/га “Гидрогел” абсорбентини солиш тупроқдаги табиий намликнинг физик буғланишини 170,0-171,3 м³/га камайтирди.

6. Тоза шудгорни кўтариш олдида Гидрогел полимер абсорбент (20 кг/га), 10 т/га гўнг ва 40 кг/га фосфорли ўғит ҳамда туплаш даврида 40 кг/га азотли ўғитлар билан озиклантириш тоза шудгордан сўнг экилган «Бахмал-97» буғдой ҳосилдорлигини назоратга нисбатан гектарига 3,9-5,4 центнерга ошишини таъминлади.

7. Ёғин-сочин миқдори кўп йиллик меъёрдан кўп бўлган йилда 40 кг/га PS-агро фосфорли, калийли ўғитлар ҳамда шунча миқдорда эрта баҳорда карбамид билан озиклантирилган вариантда назоратга нисбатан 4,6 ц/га юқори ҳосил олинди. Бу кўрсаткич шунча миқдорда аммофос, калий тузи ҳамда карбамид билан озиклантирилган вариантларга нисбатан 1,6 ц/га кўп бўлишига эришилган.

8. Кузги буғдойни озиклантиришда минерал ўғитлар ва биологик фаол препаратларни уйғунлашган ҳолда қўллаш технологияси асосида гектарига 604 минг сўм ҳаражат қилиниб, бир гектардан олинган ялпи даромад 734 минг сўм, соф даромад 130 минг сўм, рентабеллик даражаси 20-21 фоиз бўлишига эришилган.

9. Лалми типик бўз тупроқларда абсорбентлар ва органик ўғитлар таъсирида табиий намликни тўплаш агротадбири натижасида тоза шудгордан бошлаб то кузги ғалла экишгача бўлган даврда тупроқнинг 0-160 см қатламдаги намлик захираси анъанавий усулга нисбатан 94,4-145,0 м³/га кўшимча табиий намлик тўпланишига эришилган.

10. Лалмикор майдонларда кузги буғдойни озиклантиришда турли шаклдаги минерал ўғитларни N₄₀P₄₀K₄₀-(PS-агро)+N_{aa40} меъёрларда қўлланилганда гектаридан 12,4 центнер ёки анъанавий ўғит қўлланганга нисбатан 3,8 центнер кўшимча дон ҳосили олинди, анъанавий ўғит қўлланганга нисбатан самарали эканлиги кузатилади.

11. Ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан камроқ (300-320 мм) бўлганда азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар меъёри 30 кг/га ни шудгор остига, меъёр атрофида (360 мм) ёққан йилларда 40 кг/га, меъёрдан кўпроқ бўлган серёғин йилларда (360 мм дан кўп) эса 40-50 кг/га ҳамда келтирилган меъёрларга кўшимча равишда 10 тонна гўнг билан бирга қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**ГАЛЛЯРАЛЬСКАЯ НАУЧНАЯ СТАНЦИЯ НИИ ЗЕРНОВЫХ И
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР**

МУРАТКАСИМОВ АЛИШЕР САТТАРОВИЧ

**СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ БОГАРНЫХ ТИПИЧНЫХ
СЕРОЗЕМОВ И ПУТИ ИХ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
(на примере почв Галляаральского района)**

06.01.03 – Агрочвоведение и агрофизика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В2019.1.PhD/Qx366.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Галляаральской научной станции НИИ зерновых и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Гафурова Лазизахон Акрамовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Курвонтоев Рахмонтой**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Хакбердиев Обид Эшнӣёзович
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита состоится “___” _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3.Тел. (99871) 246-15-38.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № __ от _____ 2019 года.)

Р.К.Кузиев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

Б.И.Ниязалиев

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.с-х.н., старший научный сотрудник

Введение (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире «при возделывании сельскохозяйственных культур используются 1,6 млрд. гектаров земель, из них 1,3 млрд. гектаров занимают богарные земли и на них возделывается 60% всей сельскохозяйственной продукции. В настоящее время около 47% населения мира проживает на территории со средним уровнем плодородия почв, 38% на низко плодородных и лишь 15% на высоко плодородных землях»¹. Рациональное использование богарных земель при возделывании сельскохозяйственной продукции, повышение плодородия, получение высоких и качественных урожаев культур, применение различных агротехнологий считаются важнейшими задачами.

В мире ведутся научные исследования по приоритетным направлениям по созданию агротехнологии увеличения урожайности путем повышения плодородия богарных почв и рационального их использования за счет накопления применения органических, минеральных удобрений и биопрепаратов. При этом, особое внимание уделяется влиянию эрозионных процессов агрофизические и агрохимические свойства богарных почв, проведению научных исследований по повышению урожайности сельскохозяйственных культур, устойчивому повышению плодородия почв путем применения абсорбентов, органических и минеральных удобрений, биопрепаратов.

В республике осуществляются широкомасштабные научные исследования и достигнуты определенные результаты по изучению свойств и особенностей богарных почв, сохранению и восстановлению их плодородия, разрабатываются различные агротехнологии по применению органических и минеральных удобрений. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены в качестве важных стратегических задач «...тщательно развивать сельскохозяйственное производство, укрепить продовольственную безопасность страны, увеличить производство экологически чистой продукции, смягчить отрицательное влияние глобального изменения климата на сельское хозяйство»². Поэтому для улучшения агрофизических и агрохимических свойств богарных типичных сероземов, рациональное использование естественной влаги, разработка агротехнологий по повышению плодородия почв и урожайности культур приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 31 мая 2017 года №УП-5065 «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованию геодезической и картографической деятельности, упорядочению ведения

¹ <https://www.fao.org>.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

государственных кадастров» и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 841 от 20 октября 2018 года «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

